

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ДЕФОРМАЦИЯЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Манзура Абдурахмоновна Норқўзиева

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришга тўсиқ бўладиган омилларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Таълим – тарбия, фаолият, муносабат, барқарорлик, касб, деформациялар, тизим, илмий билимлар, таълим тизими, илм-фан соҳаси, дунёқараш эгаси, барқарор фаолият.

ABSTRACT

The article focuses on the factors that hinder the formation of professional stability of future teachers.

Keywords: Education - upbringing, activity, attitude, stability, profession, deformations, system, scientific knowledge, education system, field of science, worldview, sustainable activity.

КИРИШ

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини замонавий талаблар доирасида амалга ошириш давлатимиз томонидан қўйилаётган асосий масалалардан биридир.. Бўлажак ўқитувчиларни таълим тизимида барқарор фаолият юритишига тайёрлашда , замонавий , илмий билимлар тузилмаси ва воситаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўймасдан туриб, натижага эришиб бўлмайди. “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бундай устозлар қўлида таълим олган фарзандларимиз биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади. Лекин бу юксак натижаларга эришиш учун таълим тизимидаги мавжуд

муаммоларни ҳал қилишимиз лозим”[1] . Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларни таёрлашда ўқитишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Таълимга бундай ёндашувнинг сабаби шундаки, бугунги кунда барча таълим муассасалари қатори умумтаълим мактаблари ҳам ўзининг қамровини креатив фикрлайдиган, замонавий таълим – тарбия методларидан, медиатаълимдан самарали фойдаланадиган, замон талабларига тўлиқ жавоб бераоладиган ўқитувчилар билан боитиб боришни хоҳлайди. Бу эса ўз навбатида талабалардан таълим жараёнига жудда жиддий ёндашувини талаб қилади.

Таълим – тарбия жараёнини такомиллаштиришда ва бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда медиатаълимнинг ўрни алоҳида таъкидлаш керак.

“Медиятаълим – шахс онгини оммавий коммуникация ва ахборот воситалари ҳамда материаллар аоситасида ривожланиш жараёни (Ю.Усов – россиялик етакчи мутахассис). Педагогика луғатларида медиатаълим педагогика фанларининг оммовий коммуникациялар қонуниятларини ўрганувчи ўзига хос йўналиш сифатида изоҳланади. Медиатаълимга ЮНЕСКО ташкилотининг 1973 йилдаги берган таърифи ҳам юқоридаги тарифга ўхшаш.

Маълумки, ҳозирги кунда таълим ва тарбия беришнинг ривожланишини «медиа», телеведения, радио, киноматография, оммавий нашрлар, электрон ахборот тизимларисиз тасаввур қилиш қийин. «Медиятаълим жараёни тўғри ташкил қилинганда, нафақат ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида тўлақонли мулоқот юзага келади». «Медиатаълим жараёнининг предмети, унда қараладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар қуйдагилардан иборат бўлиши мумкин. Чунончи ким ва нима мақсадда мазкур медиа маҳсулотини тайёрлаган?», «Уни таёрлашда қандай технология ва ишлаб чиқариш услларидан фойдаланилган?», «У қайси жанр ва турга мансуб», унинг мазмуни ва моҳиятини қандай қилиб тушунса бўлади», «У кимга мўлжалланган?», «Мазкур медиамаҳсулот воқеликни қанчалик тўғри акс эттирган ёки ўзгартирган?» ва ҳоказо.[2]

Таълим – тарбия жараёнига талабаларни мослаштиришда касбий деформацияга эътибор берилса янада самарали кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Бизга манбалардан маълумки, "Касбий деформация" атамасини биринчи бўлиб Питирим Сорокин фанга киритган. У касбий фаолиятнинг одамга салбий таъсир кўрсатишини ёритиб берган. С.Г.Геллерштейн (1930), А.К.Маркова (1996), Э.Ф.Зеер (1999-2003), С.П.Безносков (2004), Р.М.Грановская (2010), С.А.Дружилов (2013) каби олимлар асарларида касбий деформациялар ва уларнинг хусусиятлари тасвирланган.[3]

С.Г.Геллерштейн: "фаол ва реактив ҳаракатларни бажарадиган ходимда биринчи рухий деформациялар кейин тана деформациялари учрайди" [4] - деган фикрни айтган. А.К.Маркованинг: "шахснинг касбий деформациясига, ўқитувчининг ёшга(карилик) боғлиқ ўзгаришлар, касбий чарчаш, қийин ва чидаб бўлмас шароитлар, узоқ муддатли стрессли вазиятлар меҳнат ва касбий ўсиш инкирозларини олиб келади" [5] -деган фикрлари билан қайсидир маънода ҳисоблашиш керак.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Касбий деформация - бу касбий фаолият таъсири остида шахснинг касбий ривожланишини ўзгартириш жараёни, натижада ходим ички ва ташқи омиллар таъсирида ўз фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатга тушиб қолишидир.

Бўлажак ўқитувчилар бундай ҳолатларга тушиб қолмасликлари учун фаолият жараёнларида кўзга ташланадиган салбий ҳолатларга курашувчанлигини ошириб бориши керак. Булар:

- соғлиғига бефарқлиги натижаси юзага келадиган касаллик сабабли дарсларни ўтказиб юбориши;

-дастурларни ўз вақтида бажармаслиги туфайли ўқитувчиларда рухий ҳолатнинг ёмонлашиши;

- педагогик ва ижтимоий муносабатларнинг тез – тез ўзгариши;(рухий тушкунлик, чарчок, хавотир, умидсизлик)

-конструктив қарорларни ўз вақт ида қабул қила олмасликлари;

- ўқувчиларни тингламаслик, педагогик ҳамдардликнинг етишмаслиги;

-ёшларни истиқболли томонларга йўналтира олмаслик.

Талабалар билиши керакки, тонгда туриб юз-қўлни ювиш, нонушта қилиш, пойабзални кийиш, транспортда юриш, иш жойимизда ҳар хил ҳужжатлар, китоблар, дафтарларни ушлаш инсонга салбий таъсир қилмагандек кўринсада қўлларга улар орқали кўплаб микроблар ўтади. Кўплаб тадқиқотлар

ва илмий далилларнинг тасдиқлашича, қўллар гигиенаси юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олувчи муҳим чора воситасидир. Бугунги кунда у ҳар доимгиданда долзарблигини унитмаслик керак.

Мисол учун, кунлик режаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги талабаларга анча қийинчиликларни юзага келтиради. Бир кунлик дарсни қолдириш эртанги материалларни ўзлаштиришига тўсиқлик қилади.

“Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий деформацияни келтириб чиқарувчи сабабларга қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин. Булар:

- шахсларни профессионал даражада узгартиришга уриниш;
- фаолиятнинг мохиятини ва мақсадларини англашнинг етишмаслиги;
- ушбу соҳада ишлаш истаги йуклиги;
- ўзига ишонч хиссининг етишмаслиги;
- нотугри интизом;
- заиф назорат, бошқарув томонидан катъий талабларнинг мавжуд

эмаслиги;

-ходимнинг расмий иш билан ортикча юки.”[3]

ХУЛОСА

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш учун бизнинг фикримизча, касбий деформацияни келтириб чиқарувчи сабаблар устида ишлаш керак. Қачонки, бўлажак ўқитувчилар касбий фаолиятга салбий таъсир қилувчи сабаблар устида жиддий ишлаб борсалар кўзлаган мақсадларига эришишлари мумкин.

REFERENCES

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>
- 2.Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов, Н.Усманов .Педагогика фанидан изоҳли луғат.Тошкент - 2009 – 309 бет
- 3.Д.А. Абдусамиев .Касбий деформация педагогик ҳодисасифатида.<https://cyberleninka.ru/article/n/kasbiy-deformatsiya-pedagogik-odisa-sifatida>

4. С.Г.Геллерштейн, Основные течения современной психологии / С.Г.Геллерштейн, Л.С. Выготский. М.: Госиздат, 1930. 264 с
5. А.К.Маркова, Психология профессионализма / А.К. Маркова. М. : Международный гуманитарный фонд «Знание», 1996.312 с
6. Г.И.ХАСАНОВА “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223-2256
7. Хасанова, Г. (2021). Олий таълим муассасалари педагогларининг Креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мазмуни. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 778-782.
10. Norquzieva. M Ensuring professional stability of future teachers in pedagogical activity European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 6, 2020
11. Abduraxmonovna, N. M. (2020). ENSURING PROFESSIONAL STABILITY OF FUTURE TEACHERS IN PEDAGOGICAL ACTIVITY. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(6).
12. Norquziyeva, M. (2020). Бўлажак ўқитувчиларнинг касбга муносабатини ўзгартириш-касбий барқарорликни таъминлаш гарови. Архив Научных Публикаций JSPI.
13. Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.
14. Manzura, N. (2021). Sustainable Activity in the Teaching Profession and Its Foundations. Psychology and Education Journal, 58(2), 1339-1345.
15. Abduraxmonovna, N. M. (2020). ENSURING PROFESSIONAL STABILITY OF FUTURE TEACHERS IN PEDAGOGICAL ACTIVITY. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(6).
16. Norquziyeva, M. (2021). Xalq og'zaki ijodi asosida o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash: xalq og'zaki ijodi asosida o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash. Журнал дошкольного образования, 2(2).
17. Norquziyeva, M. (2020). The role of educational technology in shaping the professional stability of students. Архив Научных Публикаций JSPI.
18. Abdurakhmonovna, N. M. (2020). Methodology of giving professional knowledge to future teachers. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 1378-1383.